



Биз учун айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани беқиёс аҳамиятга эгадир.

Эътироф

Французларда шундай мақол бор:

«АГАР ОДАМЛАР ҚУРИЛИШ ҚИЛАЁТГАН ЭКАН, ДЕМАК ҲАММАСИ ЖОЙИДА»

«Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгариштириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция хорижлик экспертлар, ушбу соҳа мутахассислари ва олимларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур анжуманда дунёнинг 60дан зиёд мамлакатидан, БМТ, Ислон тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, МДХ сингари халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг қарийб 250 нафар вакили иштирок этди.

Жордж КРОЛ,

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Бўлиб ўтган конференция Ўзбекистонда қишлоқларни ривожлантириш ва уларнинг қиёфасини ўзгариштириш бўйича эришилган ютуқ ва муваффақиятлар эътирофининг тасдиғи ҳисобланади.

Мамлакатингиз мустакил ривожланиш йиллари давомида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш йўлида катта муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистоннинг қайси бир вилояти ёхуд минтақасига бормай, аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларга, жумладан, янги иш ўринлари яратилиб, замонавий уй-жойлар қурилаётганига,

фермер хўжаликлари ва қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман.

Бир неча ҳафта илгари намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уй-жойларни бориб кўрдим. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган, барча қўлайликлар яратилган ана шундай уйлар менга жуда ёқди. Шу билан бирга, у ерларда таълим, тиббиёт, савдо муассасалари ва мажмуалари, маиший хизмат марказлари, болалар спорт майдончаларини кўрасиз. Улар Ўзбекистоннинг замонавий жамиятини ва иқтисодиётининг тараққиётини намоян қилади.

Франсуа ГОТЬЕ,

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Президент Ислон Каримовнинг халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини диққат билан тингладим. Шунинг билан бирга, Президент раҳбарлиги остида, энг аввало, халқнинг фаровонлиги ва раҳнақини таъминлашга йўналтирилган изчил ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ҳаққоний равишда қайд этганидек, қишлоқда тегишли инфратузилмага эга бўлган янги замонавий уй-жойларнинг қурилиши қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшлар учун янги иш жойларини яратишга имкон беради, ҳам миллий, ҳам хорижий сармоялар жалб этилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон вилоятларига сафарим чоғида қишлоқларда жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига ўзим амин бўлдим. Бунёд этилган уй-жойлар жуда чиройли, замонавий қиёфа касб этгани ҳолда барча халқаро меъёрларга жавоб беради. Французларда шундай мақол бор: агар одамлар қурилиш қилаётган экан, демак ҳаммаси жойида.

Чжан СЯО,

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Ўзбекистон раҳбарининг конференциядаги нутқи хорижлик иштирокчилар ўртасида катта акс-садо берди. Чунки қишлоқ туманларида инфратузилма ривожлантириш ва ободонлаштириш, шунингдек, турмуш кечириш учун қўлай муҳит яратиш дунёнинг кўпгина мамлакатларида тараққиётнинг устувор масалаларидан бири ҳисобланади.

Шуни қайд этиш муҳими, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор «Обод турмуш йили» Дав-

лат дастурида ҳам ўз ифодасини топади. Сўнгги йиллар мобайнида қишлоқ жойларда қурилган минимал замонавий уй-жойлар аҳолининг турмуш кечириш даражасини сезиларли оширади.

Қишлоқ хўжалиқини ривожлантириш ва ободонлаштиришга, аҳолининг ҳаёт кечириши сифатини яхшилашга бўлган тизимли ёндашув, умуман олганда, мамлакат ҳар бир фуқароси манфаатлари йўлида стратегик тараққиёт йўлининг ажралмас бўлаги бўлиб қолди.

«Жаҳон» АА

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Санжаар ШОТУЛГАНОВ билан сурашлар.

КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗНИ

мамлакатимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида сарфлашимиз зарур

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг тўққизинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар, танқидий хулосаларга ҳамда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштирокини кучайтиришга қаратилди.

⇒ 2

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ: БУХОРОДА ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ

изчил олиб борилмоқда

Юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг механизмларини янада мустаҳкамлаш демократик тамойилларнинг чуқурлашуви ҳамда фуқаролик жамиятининг ривожига хизмат қилади.

Шу боис Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президентимиз томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» қонун қабул қилиш гоёси тақлиф этилди. Бу фуқароларнинг ахборот олиш учун конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шакллари кенгайтириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг

фаолияти тўғрисида хабардор қилиш процедураларини белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш имконини беради.

Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда Президентимизнинг жорий йил 20 мартдаги Фармойишига мувофиқ, қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизда ҳуқуқий эксперимент ўтказиш белгиланди.

⇒ 2

Қонун лойиҳаси бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга кенг йўл очади.

БАХТЛИ БЎЛИШНИ, АВВАЛО, ЎЗИНГ HOҲЛАШИНГ КЕРАК...

⇒ 3

«ЎЗБЕКISTON ПОЛИОМИЕЛИТ ВИРУСИДАН HOЛИ ХУДУД»

⇒ 3

НАВОИЙНИНГ ДЎСТЛАРИ

Алишер Навоий дўстликни ниҳоятда қадрлаган. Дўст, унинг наздида, биринчи навбатда суянчиқ, меҳрибон устоз, самимий маслаҳатчи ва жонқуяр ҳамдардидир.

⇒ 4

ШOҲМОТ МУСОБАҚАСИ ХАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ

⇒ 4

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ижтимоий шериклик муносабатларини янада кучайтиришни талаб этади

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва Республика Маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида илгари сурилган гоёлар асосида ижтимоий тараққиётимизга таҳдид солаётган турли мафқуравий хуружларга қарши курашиш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

⇒ 2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг



НОТИНЧЛИК ВИРУСИ

www.uzbekistonovozi.uz

